# ИЖТИМОИЙ МУҲИМ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИНИ ИМПОРТ ҚИЛИШ ВА СОТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-бетда)**

дий балансларига мувофиқ импорт бўйича марказлаштирилган тартибда харид қилиш;

зарур ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари хорижий валютага импорт бўйича харид қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган товарларни харид қилиш ва республика ташқарисида сотиш йўлларини излаш;

қанд-шакар ва бошқа ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари тузилган импорт контрактларига мувофиқ республика минтақаларига ўз вақтида етказиб берилиши ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан белгиланган тақсимотга мувофиқ уларнинг чакана савдо корхоналарига етказилиши устидан мониторинг ўтказиш.

3. Ташкил этилаётган «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компаниясининг устав жамғармасини қуйидаги улушларда шакллантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

26 фоиз - давлат мулкини ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини бериш йўли билан шакллантириладиган давлат улуши ҳисобига;

24 фоиз - Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида хизмат кўрсатилаётган ҳудудни узлуксиз таъминлаш учун етарли бўлган омбор бинолари ва бошқа зарур инфратузилмани компаниянинг мулки этиб бериш йўли билан Ўзбекистоннинг йирик улгуржи ва улгуржи-чакана савдо компанияларининг улушлари ҳисобига;

50 фоиз - ишончли халқаро нуфузга ва Ўзбекистонда иш тажрибасига эга бўлган озиқ-овқат товарлари етказиб берувчи йирик хорижий компанияларнинг улушлари ҳисобига.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бир ой муддатда озиқ-овқат товарлари етказиб берувчи етакчи хорижий компаниялар билан музокаралар олиб борсин ҳамда «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компаниясининг хорижий муассисларини ва уларнинг устав жамғармасига улушларини аниқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда бир ҳафта муддатда республика ҳудудида ўз омбор биноларига эга бўлган улгуржи ва улгуржи-чакана савдо корхоналари орасидан компаниянинг ўзбекистонлик муассисларини, шунингдек «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компаниясининг устав жамғармасида уларнинг улушли қатнашуви миқдорлари ва шаклларини белгиласин.

6. «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси ва унинг марказий аппарати ташкилий тузилмаси маъқуллансин.

«Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компаниясига Бошқарув раисининг икки нафар ўринбосарига эга бўлишга рухсат берилсин.

Белгилансинки, «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига белгиланган тартибда компания Кузатувчи кенгаши томонидан тайинланадилар, кейинчалик Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадилар.

«Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари мақомига, маиший таъминот ва тиббий ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра тегишли равишда вазирга ва вазир ўринбосарига тенглаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

8. «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси томонидан ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини импорт бўйича харид қилиш ва республика истеъмолчиларига сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жаҳон ва ички бозорларда ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари нархлари устидан мониторингни амалга оширсин ҳамда «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тузиладиган импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида, ваколатли банкда ва божхона органларида рўйхатдан ўтказишда ўз хулосаларини берсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ҳафта муддатда ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари етказиб беришга шартномалар тузиш учун ижтимоий соҳа муассасалари ва чакана савдо корхоналари жойлашишини «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси эътиборига етказсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, «Ўздавзаҳира» бош бошқармаси ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари уларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг тасдиқланган балансларида назарда тутилган ҳажмларда импорт бўйича етказиб бериш юзасидан «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси билан шартномалар ўз вақтида тузилишини таъминласинлар.

12. «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси:

давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун муддатда ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари етказиб бериш юзасидан савдо корхоналари республиканинг бутун ҳудудида қанд-шакар, ўсимлик мойи ва бошқа ҳаётий муҳим озиқ-овқат товарлари савдоси билан аҳолининг тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш имконини берадиган этиб жойлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий соҳа муассасалари, махсус истеъмолчилар, чакана савдо корхоналари билан шартномалар тузилишини таъминласин;

«Ўздавзаҳира» бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2000 йилда қанд-шакарни заҳирада сақлашнинг тегишли нормативлари ҳажмида давлат заҳирасига ғамлашни таъминласин;

аҳолини қанд-шакар билан кафолатли таъминлаш мақсадида 2000-2001 йилларда 20 минг тонна миқдорида йилдан-йилга ўтувчи суғурта фондини шакллантирсин.

13. Белгилансинки, қанд-шакардан саноат эҳтиёжлари учун фойдаланувчи саноат корхоналари қанд-шакарни мустақил равишда импорт қиладилар, ёхуд эҳтиёжлар миқдори унча кўп бўлмаган бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ушбу мақсадлардаги умумйиллик квоталар доирасида, етказиб бериш учун «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компаниясининг ҳудудий бўлинмалари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузадилар.

14. Қанд-шакар ва ўсимлик мойини саноат йўли билан қайта ишлаш мақсадида чакана савдо тармоғи орқали сотиш қатъиян тақиқлансин.

Белгилансинки, қанд-шакар, ўсимлик мойи ва ун билан чакана ва улгуржи савдо қилиш қоидалари бузилганлиги, шунингдек уларни республика ташқарисига олиб чиқиб кетишга уринилганлиги учун айбдор шахслар жиноий жавобгарликкача бўлган қатъий жавобгарликка тортиладилар, савдо корхоналари эса савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномадан маҳрум этилади.

15. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари билан кафолатли таъминлаш мақсадида:

ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари улгуржи-чакана савдосининг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига;

ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари нархларни шакллантириш нормаларининг асосланганлиги ва уларга риоя этилиши, улар нархларининг сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик устидан таъсирчан назоратни таъминлаш - Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига;

аҳолини чакана савдо тармоғи орқали ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари билан узлуксиз таъминлаш устидан таъсирчан назоратни таъминлаш - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига;

қанд-шакар, ўсимлик мойи ва ун республика ташқарисига яширинча олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик устидан таъсирчан назоратни таъминлаш - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига юклансин.

16. «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдонидаги 5-уйга жойлаштирилсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва М.Усмонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 август

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Навоий шаҳридаги «Наврўз» маданият саройида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, посбонлар, уй-жойдан фойдаланиш идоралари раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида шаҳар фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Мустақиллик байрамига саноқли кунлар қолди. Навоий шаҳри ва Кармана туманида тозалик ва ободончилик ишлари жадал амалга оширилмоқда. Шу билан бирга улуғ байрамни тинч ва хотиржам ўтказиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

# ХАЛҚ НАФРАТИ

**(Боши 1-бетда)**

си шарифларда «Мусулмон мусулмонга суянчиқ, у ўз диндошларига тили ёки қўли билан озор етказмайди» дейилган. Масжид-мадрасалари очиб қўйилган, диний расм-русумларни эмин-эркин адо этилаётган меҳнаткаш халққа қўл кўтарган манфурларни қандай қилиб мусулмон дейиш мумкин? Сурхондарё мўъмин-мусулмонлари уларга ўзлариининг ғазаб ва нафратларини билдирмоқдалар.

Террорчи қонхўрлар орасида миллатдошларимиз ҳам борлигини эшитиб ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Ажабо, туз ичиб тузлиққа тупуриш ҳам шунчалик бўладими? Уларга айтар сўзимиз шу: «Фақат ҳайвонсифат, ҳамиятсиз одамларгина Ватан туйғусининг юксаклигини ҳис эта олмайди. Улар ёруғликни кўролмайдиган сўқирлар, бахтиқаролардир.

Она юртимиз — олтин беланчак. У тараққиёт ва юксалиш йўлидан дадил олға бормоқда. Зеро биортамиз ундан айро яшай олмаймиз.

Ит ҳуради — карвон ўтади. Мамлакатимиз ҳудудига бостириб кирганлар асло қора ниятларига етолмайдилар. Халқ нафрати, халқ қудрати уларни Ватан сарҳадларидан улоқтириб ташлайди.

# ПАХТАКОРДА ТЎРТ ЭГИЗАК ДУНЁГА КЕЛДИ

10 август Жиззах вилоятининг Пахтакор шаҳарчаси, Беруний кўчаси 5-уйда истиқомат қилувчи Холида Насриддинова ҳаётида унутилмас қувончли кун бўлиб қолди. 22 яшар бу аёл шу куни тўрт нафар эгизакни дунёга келтирди.

- Эгизакларнинг тўртталаси ҳам ўғил эди, - дейди биз билан суҳбатда Пахтакор тумани марказий шифохонаси бош врачининг ўринбосари Абдумурот Рўзимуродов.- Уларнинг 3 таси шифокорларимиз назорати остида ҳаёт кечиришяпти, 1 таси туғилган куни ҳаётдан кўз юмди. Чақалоқлар, 7 кундирки, онасидан ажралган ҳолда парвариш қилинмоқда.

- Бош фарзандимиз ўғил эди, унинг эгизак укалари ҳам ўғил бўлди. Мустақиллик байрами арафасида эгизакларимнинг дунёга келиши байрам устига байрам бўладиган бўлди, - дейди қувончини яширолмай Холида.

**Йўлчи Жўра,**
**ЎзА мухбири.**

Бундан уч йил муқаддам Бухоро вилояти Олот туманининг Туркманистон республикаси билан чегарадош қисмида Марказий Осиёдаги энг йирик божхона мажмуи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур мажмуада замонавий алоқа воситалари, компьютерлар, аниқ ўлчов техникаси мавжуд.

Контрабанда молларининг мамлакатимизга ноқонуний киритилиши ёки четга чиқарилишини қатъий назоратга олган ушбу божхона ходимлари постда кечаю кундуз ҳушёр туришибди. Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 2948 та хориж машиналари божхона кўригидан ўтказилди ва улардан 1 миллион 179 минг 200 АҚШ доллари миқдорида йўл тўлови ундирилди. 116 ҳолатда божхона қоидалари бузилиши олди олинди.

Бундан ташқари божхоначилар ўтган ярим йил мобайнида мамлакатимиздан четга ноқонуний равишда 10 миллион 85 минг сўмлик товар — моддий бойликлар олиб чиқиб кетилишининг олдини олдилар. Давлат фойдасига 5,8 миллион сўмлик товарлар мусодара қилинди. Ҳуқуқбузарлардан эса 1 миллион 230 минг сўм жарима ундирилди ва 15 та жиноий иш қўзғатилди.

**С. ЗУФАРОВ**
**(ЎзА) олган сурат**






# МУНОСИБ ТУҲФА

Қорақалпоғистонда бу йил 14 та касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар фойдаланишга топширилади. Шулардан 7 таси мамлакат мустақиллигининг 9 йиллиги куни талабаларни қабул қилади.

Кегейли тумани марказидаги касб-ҳунар коллежи ҳам байрам иншоотларидан ҳисобланади. 450 ўқувчига мўлжалланган ўқув корпуси биноларида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Иншоот мажмуини 1-сентябрга сифатли қилиб фойдаланишга топшириш мақсадида 300 нафар бинокор вақт билан ҳисоблашмасдан жадал меҳнат қилмоқда. Улар асосан тумандаги «Агроқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 8 та махсус бригадалари аъзоларидир. Нафсиламбрини айтганда қурувчиларнинг барчаси намунали ишламоқда. Айниқса Нуримбет Айтимов, Дўшмурод Бердибеков ва Муродбой Отамуродов раҳбарлик қилаётган бригадалар аъзолари ўзларига топширилган вазифаларни сидқидилдан бажариб, намуна бўлаётир.

Билим масканини тезкор ва сифатли бунёд қилишда «Нукусқишлоққурилиш», 320-кўчма механизациялашган жамланма, «Ўзсантехмонтаж», «Ўзэлектромонтаж» бошқармалари вакиллари, шунингдек, қўшни Хоразм вилоятидан келган қурувчилар фаол қатнашмоқда.

Қурилиш ишларининг белгиланган график асосида бир маромда олиб борилиши ишчиларга зарур яшаш ва ишлаш шароитлари яратилганлиги муҳим омил бўлмоқда, - дея изоҳ беради коллеж директори Бозаримбет Пиримбетов. — Бинокорларга уч маҳал иссиқ овқат берилади. Умуман бу ерда иншоотни мустақиллик байрамигача топшириш учун барча нарса муҳайё. Бу борада ҳомий ташкилотлар ҳам амалий ёрдам бераётганини айтиш ўринлидир.

**А. ИСКАНДАРОВ.**

# МЕҲНАТКАШ ФАРОҒАТИ

## ЙЎЛИДА УЛУҒ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

**(Боши 1-бетда)**

ба уюшмалари қаттиқ назорат остига олганлар. Уларнинг аралашуви туфайли фақатгина ўтган йили корхоналарнинг ишловчиларидан қарздорлиги бир неча бароборга камайди.

Вилоят Кенгаши ўтган йиллар мобайнида меҳнат қонунчилигининг мингдан ортиқроқ бузилиш ҳолатларини қайд этиб, тегишли чора-тадбирлар белгилади. Қарийб 300 нафар ноҳақ ишдан бўшатилганлар ўз вазифаларига қайта тикландилар, уларга етказилган моддий зарар ундириб берилди.

Мустақиллигимизнинг кейинги 3-4 йили мобайнида жароҳатланиш, касб касаллигига чалинишнинг олдини олиш, асбоб-ускуналар, технологик жараёнларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хавфсизлик техникаси ҳамда меҳнат шароитларига тааллуқли бўлган 25 мингта чора-тадбирларни ўз ичига олган тақдимномалар берилди. Уларнинг бажарилиши доимий назоратга олинган.

Корхона ва ташкилотлар, ширкатлар, кичик корхоналар фаолияти ўрганилганда биринчи эътибор инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётган дастгоҳлар, техника ва механизмларга қаратилди. Натижада 250 та бўлим, участка, иш жойлари ҳамда 2 мингдан ортиқ дастгоҳлар хавфсизлик талабларига жавоб бермаганлиги сабабли тўхтатиб қўйилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар 10 фоизга камайди.

Иш жойида жароҳат олиб, ногирон бўлиб қолганларга, вафот этган ходимларнинг оилаларига қонун бўйича тўлов ва нафақалар белгиланган. Фақатгина кейинги 2 йил ичида 180 нафарга яқин ногиронлар ёки уларнинг оилаларига 7 миллион 600 минг сўмдан зиёд товон пули ундирилиб берилди.

Бугунги кунда вилоят касаба уюшмалари ишловчилардан 1600 нафардан ортиқроғини санаторий ва санаторий-профилакторийларда соғломлаштиришни режалаштирган. Бунинг учун салкам 59 миллион сўм сарфланди.

Кейинги икки йил мобайнида 600 нафарга яқин меҳнаткашларга «Бўстон», «Ибн Сино» санаторийларида дам олишлари учун имтиёзли йўлланмалар ажратилди.

Бугунги бозор шароитида ҳам касаба уюшмалари шу мақсадлар учун ижтимоий суғурта маблағларининг 48 фоизини сарфламоқдалар.

Вилоят Кенгашининг ташаббуси, вилоят ҳокимлигининг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши туфайли Жиззах шаҳридаги кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 150 нафар фарзандлари Фориш туманидаги «Зангори олов» болалар оромгоҳида бепул дам олмоқдалар.

Вилоят йирик спорт анжуманлари ўтказиладиган майдонларга айланиб бормоқда. Биргина ўтган йили Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари I-Республика аёллар спартакиадаси, «Аёллар йили»га бағишланган миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари Республика «Тўмарис» фестивалининг Жиззах шаҳрида ўтказилиши фикримиз далилидир.

Вилоятда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника базасини яратишга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Шу ўринда Жиззах шаҳрида вилоят касаба уюшмаларининг бевосита фаол иштироки билан мустақиллик йилларида қуриб битказилган улкан спорт мажмуини мисол келтириб ўтиш лозим.

Республикамизда ягона ёпиқ сув ҳавзаси, теннис кортига эга бўлган, Германиядан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу спорт иншооти шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Унинг қошида Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ёрдамида иккита болалар спорт мактаби ташкил этилди.

Ҳозирги кунда Жиззах шаҳрининг қоқ марказида «Олимпия заҳираси коллежи» барпо этилмоқда. Лойиҳа смета қиймати 1,2 миллиард сўм бўлган ушбу улкан иншоот мамлакатимизда ягона ихтисослаштирилган билим масканидир. У 750 ўқувчига мўлжалланган. Шу йилнинг 1 сентябридан ўқув машғулотлари бошланадиган мазкур спорт кошонаси бунёд этилишида ҳам касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссалари бор.

Бугунги кунда жиззахликлар халқаро тоифадаги спорт устаси, Жаҳон кубоги соҳиби, XIII Осиё ўйинлари совриндори боксчи Лазизбек Зокиров, эркин кураш бўйича Марказий Осиё ўйинлари чемпиони Жаҳонгир Муродов, Осиё чемпионатининг кумуш медали соҳиби Отабек Пардақулов, АҚШда ўтказилган очиқ чемпионат ғолиби Зоир Азимов, Испанияда болалар ўртасида шахмат бўйича ўтказилган Жаҳон чемпионати совриндори Юлдуз Ҳамроқулова ҳамда Гулниса Эргашева, Наргиза Азимова каби спорт усталари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Енгил атлетикачи Олег Веретельников, касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамиятидан 4Х100 масофага эстафетали югуриш бўйича Елена Дроздова, эркин курашчи Артур Таймазовнинг Сиднейда бўладиган Олимпиада ўйинларига йўлланма олганликлари қувончли ҳол.

Ўтган йиллар мобайнида Кенгашга тушган шикоят ва аризаларнинг қарийб 90 фоизи ижобий ҳал этилди. Таҳлиллар, маълумотлар, келаётган хатлар касаба уюшмаларига меҳнаткашларнинг ишончи тобора ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Кадрлар масаласидаги бир муҳим ҳолатга тўхталиб ўтиш зарур. У ҳам бўлса касаба уюшмаларининг раҳбар кадрлари орасида бир лавозимда узоқ йиллардан бери ўтириб қолган, эскича иш юритувчи, ёши ва саломатлиги фаол ишлашга тўғри келмай қолган ходимларнинг мавжудлигидир. Бугунги кунда ташкилотга ёш, юксак малакага эга бўлган, янгича фикрлайдиган, янгича ишлайдиган фидойи кишилар зарур.

Мирзачўл, Зарбдор, Зафаробод, Дўстлик, Бахмал туманлари халқ таълими ходимлари касаба уюшма қўмиталарининг раҳбарлари замон талабларига тўла жавоб бера олмаганликлари сабабли ўз жамоалари томонидан эгаллаб турган лавозимларига қайта сайланмаганликлари ҳам фикримиз исботидир.

Умуман, вилоят касаба уюшмалари тизими раҳбарларининг 35-40 фоизи ўрнига иқтидорли, касаба уюшма ишини пухта эгаллаган ёшлар сайландилар.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат, жамоат ташкилотлари каби вилоятимиз касаба уюшмалари ҳам мустақиллигимиз 9 йиллиги байрамига қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Меҳнатчиларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларининг ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатни рўёбга чиқаришда асосий омил бўлиб хизмат қилаверадилар.

**Қудратилла РАФИҚОВ,**
**Жиззах вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси.**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# ОЙЛИК МАОШ 35 МИНГ СЎМ

***Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Буни ўзларининг кундалик вазифасига айлантирган Қувасой шаҳридаги «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари ишчи-хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, маданий дам олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришяпти.***

Мамарайим Ашуров етакчилигидаги заряд-лаш цехи жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади. Корхонага келтирилган юкларни тушириш, жўнатилаётган материалларни ортиш, ишлаб чиқарилган шиферларни қуритиш майдонига ташиш каби юмушларни цех ишчилари бажаради. Бошқа цехларда ишнинг бир маромда бориши уларнинг фаолиятига боғлиқ. Шу боис ҳам цехда 24 соат иш тўхтамайди. Бунда автоюклагичларнинг хизмати катта. Айниқса, Японияда ишлаб чиқарилган «Ниссан» ҳамда «Тойота» русумли автоюклагичлар ишчиларнинг оғирини енгил қилмоқда. Мадамин Норалиев, Рўзимат Сулаймонов, Мирзошариф Ҳакимов ва Кутиш Солиевлар сидқидил меҳнатлари билан барчага ўрнак бўлишмоқда.

2-шифер цехининг Шуҳратжон Попошев бошлиқ сменасида 40 нафар киши ишлайди. Серғайрат ишчилар бир иш куни давомида режадаги 2280 ўрнига 3500 дона шифер тайёрлашга эришяптилар.

Шифернинг сифатли ишлаб чиқарилишида машинист маҳоратига кўп нарса боғлиқ. Алижон Баратов, Ҳамиджон Попошев, Шавкат Турсунов ва Шавкат Абдуллаевларнинг астойдил ҳаракатлари билан ўтган ойда 31.900 дона шифер тайёрланди. Ойлик режа 146 фоизга бажарилди. Материал сифати қанча яхши бўлса, ойлик маош ҳам шунча баракали бўлади. Оператор ва сараловчилардан Матлубахон Тўйчиева, Қаноатхон Абдуллаева, Мақсудахон Жўраева ва Сайёра Эшоновалар меҳнатларига яраша 30-35 минг сўмдан ойлик олишмоқда.

Ҳиссадорлик жамиятида тадбиркорлик ва ишбилармонликка ҳам кенг йўл очилган. Кичик корхона ва фермер хўжаликлари ташкил этилиб, жамият иқтисодиётини кўтаришда ўз улушларини қўшишмоқда.

Кўпчиликка маълум, 1997 йилнинг ноябр ойида «Қувасойцемент»да ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатлилиги учун Испаниянинг Мадрид шаҳрида «Олтин юлдуз» мукофотига лойиқ топилди. Минг-минглаб километр олисда Қувасой номи янгради. Дунёга танилган корхонада эндиликда ишлар шунга яраша бўлиши зарур эди. Жамият раҳбари Худойберди Қосимов Испаниядан олам-олам таассуротлар билан қайтди. У ердаги иш жараёни, ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун яратилган шароитлар билан танишиб, ўз корхонасида бу борада ҳали кўп ишлар қилиниши зарурлигини ҳис этди.

Илгари корхонада ишчиларга бериладиган сут маҳсулотлари асосан Фарғонадан келтирилар, бу эса бир қатор овورагарчиликларни келтириб чиқарарди. Жамият раҳбари ишчиларни нафақат сут, сутдан тайёрланган бошқа маҳсулотлар билан ҳам таъминлашни мақсад қилиб қўйганди. Бу иш тезда амалга ошди. Қайта ишлаш корхонаси барпо этилиб, унга «Олтин юлдуз» деб ном берилди. Асбоб-ускуналар, жиҳозлар Россиядан келтирилди. Кичик корхонага раҳбарликка «Қувасойцемент»да 45 йил меҳнат қилган Турсунбой Нишонбоев тайинланди.

Раҳбар олдида корхона меҳнаткашларини узлуксиз сут билан таъминлаш масаласини ҳал этиш зарур эди. Саъй-ҳаракат туфайли бу масала ҳам ижобий ҳал этилди. Барча хўжаликлар билан шартномалар тузилди, сутни кичик корхона сотиб ола бошлади. Ҳар килограмм неъматни 80 сўмдан сотаётган чорвачилик фермалари ҳам ўз ҳисобларига вақтида маблағ тушаётгани туфайли ўзини ўнглаб олди.

Ҳозирда «Олтин юлдуз» кичик корхонаси «Қувасойцемент» ишчиларига нафақат сут, шу билан бирга қаймоқ, сметана, сариёғ ва бринза етказиб бераяпти. Натижада 20 нафар киши мунтазам иш билан таъминланди. Иш икки сменада олиб борилмоқда. Шу билан бирга, кичик корхонанинг маҳсулотларидан шаҳардаги барча болалар боғчалари тарбияланувчилари, қатор корхоналар ишчи-хизматчилари ҳам баҳраманд бўлишяпти.

**Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ, «Ишонч» мухбири.**




# НОДАВЛАТ СЕКТОР ИМКОНИЯТИ

***Одатда бирон янгилик ёки ташаббуснинг оммалашуви бошланишида қийин кечади. Сабаби оддий: кўпчилик у ёғи нима бўларкин, «тушиб» қолмасмикинман, деб чўчийди. Таваккал қилишга ботинмайди. Дадил ҳаракат қилганларнинг иши юришиб кетгачгина дастлаб иккиланганлар уларга эргашадилар.***

***Янгиер шаҳридаги кичик ва хусусий корхоналар фаолиятини ривожлантиришнинг илк босқичида ҳам шундай бўлди. Аммо мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тадбиркорликнинг келажаги борлигини кўрсатди. Чўл ўртасида бунёд этилган мўъжаз шаҳарда тадбиркорлар иши аста-секин юришиб кетди. Ҳозир у ерда ўнлаб ишбилармонлар фаолият кўрсатмоқда. Юртга, давлатга наф келтирмоқда. Шаҳар ҳокими С.Шодиев билан мулоқотимиз ана шулар ҳақида бўлди.***

— Аввало шуни таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кенг йўл очилган, — деди Собиржон ака. — Буни шаҳримиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ишлаб чиқариш ва шаҳар иқтисодини кўтаришда нодавлат сектор салмоқли улуш қўшиб келмоқда. Рақамларга мурожаат этайлик. Бугунги кунда 129 нафар тадбиркор бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланаяпти. Улар ихтиёридаги кичик корхоналарда 524 нафар киши меҳнат қилади. Амалдаги йилнинг олти ойида улар томонидан 123,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу даврда яна 11 та микрофирма, 2 та кичик корхона ташкил этилди. 57 та янги иш ўринлари очилди. Шунингдек, 218 нафар киши якка тартибда меҳнат билан шуғулланаяпти.Яқинда юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш мақсадида уларга 22 миллион сўмдан зиёд кредит ажаратилди. Маълумки, тадбиркорга шароит яратилса товар-пул айланиши ортаверади. Давлат хазинасига пул тушади. Шуни ҳисобга олиб, Янгиер деҳқон бозорига 8 миллион сўмлик маблағ сарфланиб янги савдо расталари қурилди ва фойдаланишга топширилди. Ховос деҳқон бозорида ҳам 1 миллион 300 минг сўмлик қўшимча савдо расталари барпо этилди.

Маълумотлар билан танишишда давом этамиз.

— Ўтган олти ойда 391 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланибди. Шунинг 318,5 миллион сўмлиги ёки 84,5 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш таъминланди. Саноатни янада юксалтириш тадбирлари ҳам кўрилаяпти. Жумладан, вилоят ҳокимининг 2000-2005 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига киритилган Янгиер қурилиш материаллари ва конструкция комбинатида электрод ишлаб чиқариш учун чет эл сармоядорларини жалб қилиш мўлжалланган. Бу келгусида кутилган натижани беради, албатта. Шунингдек, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 1999 йилнинг шу даврига қараганда 103 фоизга уддаланди. Аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш салмоғи 5137,7 сўмга етди.

Ота-боболаримиз келгуси авлодларга яхши иморат, иншоатлар қуриб, текис йўллар солиб қолдириш энг улуғ савоб ишлардан дейдилар.

Янгиерда бу соҳадаги режалар ҳам катта. Биринчи галда эътибор таълим масканлари қуришга қаратилган. Шаҳарнинг «Шодлик» маҳалласида 450 нафар ўқувчига мўлжалланган, умумий смета лойиҳаси 1991 йил нархида ҳисоблангaнда 3,9 миллион сўмлик касб-ҳунар коллежи қурилиши жадал олиб борилияпти. Янгиер қурилиш-иқтисод коллежи тўла таъмирланаяпти. Бошқа илм масканларида ҳам бундай ишлар юқори суръатда давом этаяпти. Шунингдек, аҳолининг шахсий даромадлари ҳисобидан 11 та савдо дўкони, 1 та новвойхона қуриб битказилди.

Маълумки, томорқа, шахсий ёрдамчи хўжаликлари ва фермерлик ҳаракати юртда маъмурчилик яратишда асосий манба ҳисобланади. Қолаверса, соғлом авлодни вояга етказиш учун гўшт ва сут маҳсулотлари етарли бўлиши даркор. Иккинчидан, бу фермер ва шахсий томорқа эгалари учун мўмай даромад ҳамдир.

Халқда ўзингда бўлганига нима етсин, деган гап бор. Фермер ва шахсий чорва эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун қатор тадбирлар белгиланган. Озуқадан ёрдам бериляпти. Айни пайтда фермерлар ихтиёрида ва хонадон эгаларида жами 2830 бош қорамол, шундан 965 боши сигир, 4330 бош қўй-эчки мавжуд. Шуниси қувончлики, маҳсулот етиштириш ҳажми йил сайин ўсиб бормоқда. Ярим йилда шаҳар бўйича 234 тонна гўшт, 430 тонна сут, 275 минг дона тухум етиштирилди. Шу билан бирга шаҳардаги хусусий корхоналарда тайёрланаётган пишлоқ, қаймоқ ва колбаса маҳсулотлари ҳам бозорларни тўкин қиляпти.

Кам даромадли оилалар, боқувчисини йўқотганлар ҳамда ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам кўзга кўринарли ишлар амалга ошириляпти.

— Ёрдамга муҳтож кишиларнинг ҳам турмуш тарзини яхшилаш,уларни ижтимоий муҳофазалаш мақсадида маҳаллий бюджетдан 295 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Ўтган ярим йилликда 894 та кам таъминланган оилага 280,7 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 16 ёшгача фарзандларини тарбиялаётган 4231 оилага 9,9 миллион сўм нафақа тўланди. 65 нафар ёлғиз нафақахўрларга 500 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим, шаҳарда истиқомат қилаётган 20 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари давлатимиз ғамхўрлигини яқиндан ҳис этишмоқда. Республикамиз мустақиллигининг 9 йиллик байрами муносабати билан бир нечта хайрли тадбирлар ўтказиш режалаштирилди. Кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, боқувчисини йўқотганларга 7 миллион 808 минг сўмлик ёрдам кўрсатилади. Бу инсон қадри юксакликка кўтарилган юртимизда меҳр-мурувват боқийлигидан далолатдир.

**Н.ШАМСИЕВ, Р.АБДУЛХАЕВ.**





Ўрта Чирчиқ туманидаги Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида икки ярим минг нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Мазкур корхонада бир ойда икки минг тонна пахта қайта ишланиб, ип-калава тайёрланади.

**Суратларда: 1. Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Татьяна Головошенко (чапдан иккинчи) ишчилар билан суҳбатлашаяпти. 2. Дилфуза Мансурова жамоада илғорлар қаторида тилга олинади.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ЭКСПОРТ-ДАРОМАД МАНБАИ

Навоий вилоятидаги «Қизилқумцемент» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Республикамиздаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади, деди мазкур корхона раҳбари Ражаб Жуманиёзов «Туркистон-пресс» мухбирига. Экспорт орқали яхши даромад олаётган корхонамиз ишчилари жорий йилнинг дастлабки чорагида 1 миллион 300 минг АҚШ долларига тенг бўлган маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсалар, иккинчи чорак режасини тўла уддалаб, қабул қилинган шартномавий топшириқни муддатида адо этдилар.

Корхона ҳисобига келиб тушаётган маблағлар ишчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, корхона ҳисобидан дам олиш оромгоҳларига жўнатишга сарфланаяпти. Шунингдек корхона тараққиёти учун чет эллардан янги технология ва техник мосламалар келтираяпмиз.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, айни пайтда ишчиларга ойига ўртача 20 минг сўмдан иш ҳақи берилмоқда. Бу эса уларнинг меҳнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартиряпти.

## «БАНДЛИК» ДАСТУРИ АМАЛДА

Чимбой туманида амалдаги йил учун белгиланган «Бандлик» дастури тўла адо этилди. Меҳнат бўлими томонидан 700 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Йил охиригача яна 100 ишчи ўрни ташкил этилади.

Шунингдек, меҳнат бўлими ёрдами билан 50 нафар йигит-қиз қўшимча касб ўрганмоқда, 200 нафар фуқарога нафақа берилмоқда.

# ТЎРТКЎЛ БАЙРАМ АРАФАСИДА

Қорақалпоғистон республикасидаги энг йирик ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган Тўрткўл туманида мамлакат мустақиллигининг 9 йиллигига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу байрам иншоотларидаги қизғин меҳнат жабҳаларида яққол кўзга ташланмоқда. Айниқса «Шўрахон» овулида бунёд этилаётган касб-ҳунар коллежида қурилиш-монтаж ишлари авжида. Умумий баҳоси 1 миллиард 200 миллион сўм турадиган бу салобатли қурилиш мажмуида «Жанбассувқурилиш» бошқармасининг 700 нафар қурувчилари 3 сменада ишлашмоқда. 750 ўринли мазкур маскан мустақиллик байрами — 1-сентябр куни фойдаланишга топширилади.

XX асрнинг энг йррик бунёдкорлик ишларидан ҳисобланган «Султон Вайстоғ - Мискин - Учқудуқ» темир йўлининг Мискин-Учқудуқ қисмининг туман ҳудудидан ўтувчи 56 километрлик оралиғида ҳам қурилиш ишлари авжида.

Шунингдек, Тўрткўл шаҳридаги 200 йўловчига хизмат қиладиган темир йўл вокзалини қуриш муваффақиятли тамомланди. Умумий майдони 70 гектарни эгаллайдиган вокзал шаҳарчасидаги 10 та оилада ҳовли тўйлари ўтказилди. Бу ерда ана шундай турар жойлардан тағин 35 таси қурилади.

Байрам арафасида «Ўзбекистон» фермер хўжаликлари уюшмаси меҳнаткашлари ҳам муносиб совға олади. Хўжаликнинг чекка овулларидан бирида қишлоқ врачлик пункти ҳам 1-сентябр куни дастлабки мижозларни қабул қила бошлайди. Шундай қилиб овул аҳолисининг 15 километр узоқдаги тиббиёт масканига қатнаб овора бўлишига ҳожат қолмайди.

— Умуман тўрткўлликлар барча соҳаларда байрамга муносиб тўёна билан боришга астойдил аҳд қилганлар, - дейди туман ҳокими Турсунбой Тангриберганов. — Айниқса қишлоқ хўжалиги ходимларининг шашти баланд. Улар бу йил сув танқислиги келтириб чиқарган қийинчиликларни енгиш учун далаларда тадбиркорлик билан фидокорона меҳнат қилдилар. Натижада мўл ҳосил тўпланди. Бу йил 35 минг тонналик хирмон яратишни кўзлаётган пахтакорларимиз мустақиллик байрамигача йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаб юборади.

**Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.**

*Бор бўл, оқибат!*

# ҚУВОНЧГА ТЎЛИБ ЯШАСИН ИНСОН

***Мамлакатимиз мустақил бўлганига мана, тўққиз йил тўлибди. Ўтган йилларнинг ҳар бири барчага катта имконият йўлларини очиб берди. Ҳаракат қилган киши ўз билим ва салоҳиятидан унумли фойдаланиб, бунёдкорлик ишларида муваффақиятга эришмоқда.***

Имконият ҳаммага тенг берилган. Фақат ундан фойдалана олишда гап кўп. Бунда куч-ғайрат, маблағнинг ўзи кифоя қилмайди. Ишни юритиш учун ҳар биримиз ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билишимиз, зарур вақтда ўзимизни ҳимоя қила олишимиз керак.

Албатта, ҳуқуқий билимимизни ошириб борсак, назарий билимимизни амалиётда дадил қўллай олсак, муваффақиятлар кўлами кенгайиб бораверади.

Инсон ўзидан яхши ном қолдириши жоиз. Яхши ном савоб ишлар эвазига келади. 1988 йилда тошлоқ ерда қурилиш бошлаган эдик. Мустақиллигимиз шарофати билан ишларимиз тезлашиб кетди. Бир кеча-кундузда 15 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонамиз ишга тушди. Телов, Қорахитой, Сусам, Галақудуқ, Чотқол қишлоқлари ва Олмалиқ шаҳрига ҳар куни 22 хилдаги нон маҳсулотлари тарқатилади. Корхонамизда 120 киши муқим иш ўринларига эга бўлиб, ойлик маошларини, мукофот пулларини ўз вақтида олишмоқда.

Омилкорлик, тежамкорлик даромадни кўпайтиради. Завод ускуналарини ўзим танлаб олиб келдим. Уларни шундай жойлаштирдикки, нон ёпилаётган пайтда ҳам бинонинг ички ҳарорати мўътадил сақлаб турилади. Хамир қориш ва ишчиларнинг ювинишлари учун иссиқ сув ҳам тайёр. Ана шу бир нечта жараённинг бир вақтда бажарилиши тежамкорликка сабаб бўлди.

Инсон яхши ишлар учун, яхшилик қилиш учун дунёга келади. Корхонамиз очилган кунидан бошлаб Телов қишлоғидаги учта болалар боғчасини доимий равишда нон маҳсулотлари билан бепул таъминлаяпмиз. Шу қишлоқ касалхонасидаги «Тез ёрдам» машинаси ҳам ҳар куни корхона ҳисобидан 20 литрдан бензин олади.

Туманимиздаги тоғолди қишлоқларида табиий офатдан зарар кўрган оилаларга ёрдам бериш масаласида йиғилиш бўлган эди. Бундай пайтда хайрия ишидан четда қолиб бўладими? Залда ўтириб, ёрдам сифатида 1 миллион сўмга чек ёзиб бердим.

Беш қўл баробар эмас, деганларидек, маҳаллаларда ўзига тўқ хонадонлар ҳам, кам даромадли оилалар ҳам бор. Кўпга мадад бўлсин, деб корхонамиз яқинидаги маҳаллага газ қувурлари тортиш учун зарур бўлган 2,5 миллион сўм маблағни тегишли ташкилот ҳисобига ўтказдик.

Савоб ишлар қилиш кишига завқ, қувонч бахш этади. Келажагимиз бўлган болаларга яхшилик қилиш, уларнинг кўнглига эзгулик солиш, меҳр улашиш аждодларимизнинг энг яхши удумларидан саналади. Айратон қишлоғидаги 120 болага мўлжалланган мактаб биносини қуриб эгаларига топширдик. 18-мактабда таъмирлаш ишларини доимий оталиққа олганмиз. Шунингдек, 28-мактабни ҳам таъмирлаш учун етарли миқдорда бўёқ, 5 тонна цемент ҳадя этдик.

«Ўзбекистон» хўжалигида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг 18 нафар фарзандига суннат тўйи қилиб бердик. Шу болаларни оналари билан Тошкент шаҳрига олиб бориб, кичкинтойларга бошдан оёқ сарупо, оналарига бир кийимликдан мато харид қилдик. Суннат тўйида ҳар бир боланинг ўз уйида қозон қайнатдик. Ҳар бирига халқ банкида ҳисоб рақами очилиб, 1000 сўмдан пул қўйилди. Корхонамизда ишлаётган Жаҳонгир Отабоевга атаб солинган иморат битди, энди шу уйда унинг никоҳ тўйини ўтказамиз.

Телов қишлоғидаги футбол командасига, «Соғлом авлод» фондига ҳам мунтазам маблағ ўтказамиз. Муҳими, 35 минг аҳолига мунтазам равишда сифатли нон етказиб бераётирмиз. Яқинда 50 гектар ерни хусусийлаштириб олдик. Буғдой етиштириш ниятидамиз. Бу ерда ҳам ўндан зиёд киши доимий иш билан таъминланади.

**Акром ҚЎШНАЗАРОВ, Оҳангарон туманидаги «Акромширмойнон» хусусий корхонаси раҳбари.**

*Футбол*

# «ПАХТАКОР»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Ўз уйингда деворлар ҳам ёрдам беради, деган гап бор. Шуни назарда тутган ҳолда, қолаверса, кейинги пайтда намойиш этилаётган ўйинлар мазмунидан келиб чиқиб ўзимизча «Самарқанд-Динамо» жамоаси жамғармасига нақд уч очкони ёзиб қўяёзган эдик. Йўқ, майдон текис, тўп думалоқ, деганларича бор экан. Гарчанд майдон эгаларининг ҳудудий устунлиги самарқандлик мухлисларни учрашув сўнггигача умидлантириб турган эса-да, 22-дақиқада Қайрат Ўтабоев томонидан киритилган ягона тўп ўйин тақдирини ҳал қилди.

Бу ғалаба «Пахтакор» учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Жамоа бошидан кечираётган инқироз айнан шу ўйиндан сўнг чекинган бўлса не ажаб! Ахир зарур бўлганда «Дўстлик»дек пешқадамни ҳам ҳурмат ила тўп суришга мажбур этишга қодир жамоани унинг майдонида мағлубиятга учратиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Айтинг-айтинг, «Пахтакор»нинг ўзини ўнглаб олгани рост бўлсин.

Таъқибчиларидан анча илгарилаб кетган бўлса-да, аммо озгина бўшанглик турнир жадвалида ўзгариш ясаши мумкинлигини ҳис қилган «Дўстлик» учун ҳам бу тур оғир кечди. У Наманганда «Навбаҳор» билан юзма-юз келди. Ўзаро қарши ҳужумлар остида ўтган учрашувда Самарқандда бўлгани каби ҳолат такрорланди. «Дўстлик» меҳмонда 1:0 ҳисобида зафар қучиб, ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олди.

Кези келганда, жадвалнинг қуйи қисмини эгаллаб турган жамоалар ўртасидаги баҳс - хоҳ у бевосита, хоҳ билвосита бўлсин, ғоят қизғин кечмоқда. «Темирйўлчи» ва «Кимёгар» командаларини бугунги кунда «тақдирдош» деб таърифлаш мумкин. Униси ҳам, буниси ҳам хавфли зонада — астойдил ҳаракат қилинмаса, келгуси йилдан биринчи лигада тўп суриш ҳеч гап эмас. Улар ушбу турда ўзаро куч синашдилар. Мухлисларининг қўллаб-қувватлашидан руҳланибми ёхуд нисбатан яхширoқ тайёргарланганлиги боисми, майдон эгалари ғалаба қозониб, зарур уч очко эгаси бўлдилар. Ҳисоб — 4:2.

Худди шундай ҳисоб Қаршида бўлиб ўтган учрашувда ҳам қайд этилди. «Насаф» ҳужумчиларининг маҳоратига «Хоразм» ҳимоячилари қарши қўйган тактика ўзини оқламади. «Турон» ҳам Термизда «Сурхон» ўйинчиларининг тезкор ҳаракатига дош беролмади ва 1:4 ҳисобида мағлубиятга учради.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якун топди:

«Зарафшон» — «Семурғ» - 1:1, «Қизилқум» - «Гулистон» - 1:0, «Бухоро» - «Сўғдиёна» - 3:2, «Андижон» - «Трактор» - 2:0, «Нефтчи» - «Металлург» - 4:0.

Навбатдаги тур 17 август куни бўлиб ўтади.

## Турнир жадвали

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. «Дўстлик»** | **23** | **19** | **2** | **2** | **62-26** | **59** |
| **2. «Самарқанд»** | **23** | **16** | **1** | **6** | **55-26** | **49** |
| **3. «Насаф»** | **23** | **14** | **7** | **2** | **45-25** | **49** |
| 4. «Нефтчи» | 23 | 14 | 6 | 3 | 43-20 | 48 |
| 5. «Навбаҳор» | 23 | 12 | 7 | 4 | 50-27 | 43 |
| 6. «Бухоро» | 23 | 11 | 4 | 8 | 31-29 | 37 |
| 7. «Сурхон» | 23 | 10 | 4 | 9 | 41-36 | 35 |
| 8. «Семурғ» | 23 | 9 | 7 | 7 | 38-29 | 34 |
| 9. «Пахтакор» | 23 | 9 | 5 | 9 | 35-36 | 32 |
| 10. «Андижон» | 23 | 8 | 8 | 7 | 41-33 | 32 |
| 11. «Трактор» | 23 | 8 | 3 | 12 | 30-30 | 27 |
| 12. «Металлург» | 23 | 7 | 6 | 10 | 22-34 | 27 |
| 13. «Қизилқум» | 23 | 6 | 8 | 9 | 22-33 | 26 |
| 14. «Гулистон» | 23 | 7 | 2 | 14 | 28-40 | 23 |
| 15. «Сўғдиёна» | 23 | 6 | 5 | 12 | 25-39 | 23 |
| 16. «Зарафшон» | 23 | 6 | 5 | 12 | 18-45 | 23 |
| 17. «Темирйўлчи» | 23 | 5 | 4 | 14 | 34-53 | 19 |
| **18. «Кимёгар»** | **23** | **4** | **7** | **12** | **22-37** | **19** |
| **19. «Хоразм»** | **23** | **4** | **6** | **13** | **21-36** | **18** |
| **20. «Турон»** | **23** | **3** | **6** | **14** | **20-49** | **15** |

## ГЕРМАНИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Ўзбекистонлик фахрий спортчилар ёшларимиздан қолишмай халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишаётир. Германиянинг Фрайбург шаҳрида эркин кураш бўйича фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида вакилимиз Александр Истомин олий поғонани банд этди. 44 та малакатнинг 556 нафар спортчилари қатнашган ушбу мусобақада у 85 килограмм вазндаги барча рақибларини доғда қолдирди.

Фахрий спортчимиз жаҳон чемпионлигини қўлга киритгунга қадар 5 нафар полвон билан бел олишган бўлса, уларнинг 4 нафарини муддатдан илгари курагини ерга теккизди. Демак, фахрийларимиз ўртасида ҳам жаҳон майдонида Ватан мадҳиясини янгратиш ва байроғини ҳилпиратиш анъана тусини олаяпти.

*Ёз ўтмоқда соз*

# «ЛОЧИН»НИНГ ҚУВНОҚ БОЛАЛАРИ

***Тошкент шаҳридаги «Лочин» соғломлаштириш оромгоҳи тўртинчи босқичда болаларни қабул қилди. Унинг аввалгиларидан фарқи шундаки, бевосита Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг ташаббуси билан очилди.***



Оромгоҳнинг тўртинчи босқичини «Соғлом авлод йили» муносабати билан соҳа ходимларининг ҳамда Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг таклиф ва истакларини ҳисобга олган ҳолда очишга қарор қилинди.Сўлим масканда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё, Бухоро, Тошкент вилоятлари педагогларининг 300 нафар фарзандлари яйраб дам олмоқдалар.



Дарҳақиқат, оромгоҳда болалар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шинам дам олиш хоналари, ошхона, чўмилиш ҳавзаси, спорт майдончаси, тантана-ю тадбирлар ўтказиладиган майдон, «Маънавият ва маърифат» хонаси дам олувчилар ихтиёрида.

Тарбиячи ва мураббийлар белгиланган дастур — режа асосида ёзги таътилни намунали ўтказишда бош-қош бўлмоқдалар. Улар «Талантларни излаймиз», «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловлари, «Мустақиллик — фахримиз, ғуруримиз» тадбири ва турли спорт мусобақаларни ўтказишга тайёргарлик кўришмоқда.

— Мен бу босқични ташкил қилишда, тўғрироғи, бироз иккиландим, - дейди оромгоҳ директори М.Пак. - Чунки турли вилоятлардан келган болалар билан ишлаш менинг тажрибамда биринчи марта бўлаяпти. Аммо бекорга хавотирланган эканмиз. Болалар келган кунлариданоқ ўзаро дўстлашиб, тарбиячилар билан ҳам тил топишиб кетишди.

Дам олишга келган вилоят вакиллари билан суҳбатлашганимизда, улар оромгоҳ ташкилотчилари ва маъмуриятига ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар. Шундан сўнг оромгоҳда ажойиб тантана бўлиб ўтди. Ҳар бир отряд ўз шиори ва қўшиғини ижро этди. Оромгоҳнинг анъанавий гулхани ёқилгандан сўнг, дам олувчи ўқувчилар ўз санъатларини намойиш этдилар. Тантанада ўзбек, тожик, қорақалпоқ, рус тилларидаги қўшиқлар янгради. Оромгоҳдан қайтар эканмиз, ибратли ташаббус анъанага айланиб қолишига чин дилдан истак билдирдик. Чунки, бундай хайрли ишлар мамлакатимиз ёшларини бирликка, ҳамжиҳатликка, дўсту биродарликка ўргатади.

***Суратларда: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар.***

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ОРОЛБЎЙИ АҲЛИГА ТИББИЙ ЁРДАМ

Бу йил Амударёнинг қуйи қисмидаги сув танқислиги Оролбўйи ҳудудидаги экологик вазиятга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Шу боис дунёнинг турли бурчакларидан бу ҳудудга инсонпарварлик ёрдамлари келаётир. Жумладан, Жанубий Кореядан ташриф буюрган бир гуруҳ шифокорлар Оролбўйи ҳудуди аҳолиси саломатлигини яхшилашда фаол қатнашмоқда. 20 нафар тажрибали шифокор Нукус шаҳридаги 1-поликлиникада ҳар куни 200 нафарга яқин беморни кўрикдан ўтказиб, муолажа қилмоқда.

Кореялик шифокорлар Қорақалпоғистон аҳолисига бир неча ҳафта давомида тиббий ёрдам кўрсатадилар.

## «ҲАМШИРА-2000»

Қашқадарё вилоятида ушбу кўрик-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Китоб тумани марказий шифохонаси ҳамшираси Муборак Эшқувватова кўрик-танловнинг барча шартларини муваффақиятли бажариб, биринчи ўринга сазовор бўлди. У энди мазкур кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этади.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра Қарши шаҳридаги 1-болалар шифохонаси ҳамшираси Нигора Раҳматова иккинчи, Деҳқонобод тумани марказий шифохонаси ҳамшираси Замира Ортиқова учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолибларга эсдалик совғалари берилди.






# Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси

*барча юртдошларимизни ва тиббиёт ходимларини энг улуғ байрам — мустақиллигимизнинг 9 йиллиги билан чин қалбдан табриклайди.*



**Шу муборак кунларда фидокор халқимизга бахт-саодат ёр бўлишини Яратгандан сўраймиз, она юртимизда тинчлик-осойишталик ҳамиша барқарор бўлсин!**





**ISHONCH**

**МУАССИС:** *Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси*

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.10

Буюртма Г— 724. 1 2 3 4 5 6